

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Муборакнефтгазмонтаж”
акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилишининг
қарори билан
“19” 11.04. 2022 йил



**“Муборакнефтгазмонтаж”
акциядорлик жамиятининг
Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мундарижа:

1. Умумий қоидалар.
 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари.
 3. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи. Акциядорлар ва уларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш.
 4. Йиллик акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайргарлик.
 5. Навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик.
 6. Умумий йиғилиш кворуми.
 7. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари.
 8. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби.
 9. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси.
 10. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорини бажариш.
- Иловалар.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Муборакнефтгазмонтаж” акциядорлик жамиятининг акциядорлар умумий йиғилиши мақомини, иш тартибини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, қонунчиликнинг амалдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Корпоратив бошқарув Кодекси ва “Муборакнефтгазмонтаж” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили йиллик акциядорлар умумий йиғилиши (йиллик умумий йиғилиши)ни ўтказиш шарт. Йиллик акциядорлар умумий йиғилиши, молиявий йили тугаганидан кейин олти ойдан кечикмаган ҳолда ўтказилади.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг коллегиял ижроия органининг (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият бошқаруви ва кузатув кенгашининг

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

1.5. Йиллик акциядорлар умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган акциядорлар умумий йиғилиши навбатдан ташқари йиғилиш деб ҳисобланади.

1.6. Акциядорлар умумий йиғилиши санаси ва тартиби, акциядорларга унинг ўтказилиши ҳақидаги маълумотни етказиш тартиби, умумий йиғилиш ўтказилишига тайёргарлик жараёнида акциядорларга тақдим этилиши кўзда тутилган материаллар (маълумотлар) рўйхати жамият Кузатув кенгаши томонидан ўрнатилади.

1.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

с) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

д) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

е) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

ф) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

г) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш;

ҳ) ўз акцияларини олиш;

и) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

й) жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

к) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

л) жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини, хулосаларини эшитиш;

м) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида, қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш қарор қабул қилиш;

о) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

қ) “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нарҳини белгилаш;

г) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

с) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

т) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

у) баланс қиймати ёки олиш қиймати, жамият томонидан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташқил этувчи мол-мулк хусусидаги йирик келишувлар тўғрисидаги қарорни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-бобида асосан қабул қилиш;

в) аффилланган шахслари билан келишувларни амалга оширилиши тўғрисидаги қарорни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-бобида асосан қабул қилиш;

w) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

х) жамиятнинг умумий йиғилиш ваколатидаги ички низомларини тасдиқлаш;

у) хомийлик (хайрия) ва беғараз ёрдам кўрсатиш (ёки олиш) ва бу ҳақидаги қарорларнинг қабул қилиш тартибларини белгилаш (тасдиқлаш);

z) қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

а) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

б) “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нарҳини белгилаш;

с) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбўшланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

е) қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласига ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш;

ф) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

г) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

h) жамиятнинг ижроия органини тузиш (рахбаридан ташқари), ижроия органи аъзолари ва раҳбарининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

i) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

j) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

2.4. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи — тўртинчи, олтинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида, 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ҳамда 88-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.5. Солиққа оид ёки давлат олдигаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.6. Овозга қўйилган бошқа масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

III. УМУМий ЙИВИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

3.3. Акциядорлар реестрига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин эмас. Реестр шаклланиш вақтида, унга киритилмаган, бузилган ҳуқуқлари тикланган шахсларнинг киритилиши ёки йўл қўйилган хатоликларнинг қонунчиликка мувофиқ тўғриланиши бундан мустасно.

3.4. Акциядорлар умумий йиғилишида жамият акциядорларининг реестрида кўрсатилган акциядорлар, уларнинг ишончли вакиллари, санок комиссияси аъзолари, ички аудит хизмати ходимлари, жамият фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказган аудиторлик ташкилоти вакили, жамият Қузатув кенгаши, бошқаруви, шунингдек миноритар акционерлар қўмитаси вакили (мавжуд бўлган тақдирда) ва йиғилиш раиси томонидан таклиф этилганлар иштирок этиши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядор эмас, йиғилиш раиси томонидан таклиф этилмаган ва кўрилаяётган масалалар бўйича ҳисоб бериш, тушунтириш бериш учун таклиф этилганлардан ташқари иштирокчилар кириши мумкин эмас.

3.5. Жамият бошқаруви аъзолари, Кузатув кенгаши, жамият аудиторлик ташкилоти вакиллари ўз органи ҳисоботлари билан умумий йиғилишда шахсан иштирок этишлари шарт.

3.6. Кузатув кенгаши, жамият бошқаруви аъзолари лавозимларига номзоди қўйилган шахслар ўз номзодлари бўйича масала муҳокамасига иштирок этишлари мумкин.

3.7. Умумий йиғилишда иштирок этиш учун, акциядорлар ёки уларнинг ишончли вакиллари, йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада келтирилган сана ва жойда рўйхатдан ўтишлари лозим.

3.8. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

3.9. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

3.10. Жамият умумий йиғилишида иштирок этиш учун келган жисмоний шахс акционерлар паспорт, ёки идентификацияловчи ID-картаси ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида рўйхатга олинади.

3.11. Акциядор бўлган юридик шахснинг раҳбари ўз ваколатини шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда лавозимга тайинланиши тўғрисидаги юридик ҳужжат асосида амалга ошириши мумкин.

3.12. Акциядор бўлган юридик шахс вакили йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, унинг номига ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва шу ташкилот муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) босилган ишончномани тақдим этган ҳолда иштирок этишга ҳақлидир.

3.13. Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.14. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш ўтказилиши учун шакллантирилган реестрига мувофиқ, ушбу Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган шаклда иштирокчилар рўйхати тузилади.

3.15. Рўйхат рақамланган, тикилган ва жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

3.16. Умумий йиғилиш ўтказилаётган вақтда акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга имзо чекиб, бюллетенлар тўпламини (2-илова) ҳар бир акциядорнинг жамият акциядорлари реестрида аниқланган овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиққан ҳолда овоз бериш учун олади.

3.17. Агар йиғилиш иштирокчиси бир ёки ундан ортиқ акциядорларнинг номидан иштирок этиш учун ишончномани тақдим этса, унга у вакиллик қилаётган акциядор(лар)нинг овоз бериш бюллетенлари берилади, рўйхатда эса вакиллигини ишонган акциядор фамилиясининг тўғрисида қуйидаги қўшимчалар киритилади: ” _____ ”

_____ да берилган _____ - сонли ишончнома асосида _____ (сони) овоз берувчи акциялар бўйича” ва вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади (3, За-иловалари).

IV. ЙИЛЛИК АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

4.1. Акциядорлар умумий йиғилишини намунали тайёрлаш ва ўтказиш учун жамият бошқаруви корпоратив маслаҳатчи (мавжуд бўлган тақдирда) билан бирга қўйидагиларни амалга оширади:

- жамиятнинг ваколатли органи қарори билан танланган аудиторлик ташкилотлари билан, текширув ўтказишнинг аниқ муддатларини белгилаш шарти билан, аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича, шунингдек Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ йиллик молиявий ҳисоботни тузиш, Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш бўйича шартнома тузиш;

- Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказгач, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши санасидан камида икки ҳафта олдин эълон қилинишини таъминлаш.

4.2. Шунингдек жамият ижро органи:

- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш регламенти, ҳар бир йуналиш бўйича асосларни илова қилган ҳолда жамият соф фойдасини тақсимлаш (зарарларини қоплаш) лойиҳаларни, санок комиссиясини тузиш бўйича таклифларни ва умумий йиғилиш муҳокамасига киритиладиган масалаларга тааллуқли барча ҳужжатларни тайерлайди. Жамият акциядорлари томонидан йиллик умумий йиғилиш кун тартибига киритиш учун тақдим этилган таклифлар, жумладан кузатув кенгаши таркибига киритилаётган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ахборотларни умумлаштиради.

- жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботлари ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йуналишлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, жамиятнинг бажарилиш санаси аниқ белгиланган ўрта муддатга ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади;

- жамиятнинг бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятни ривожлантириш стратегияси бажарилишини таъминлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар бўйича ижро органи ҳисоботларини тайерлайди, аудитор текшируви ўтказилиши учун аудитор ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказилишини таъминлайди ва бошқалар.

4.3. Жамият ижро органи 4.2 - бандда кўрсатиб утилган ҳужжатларни тайерлаб (ишлаб чиқиб) Кузатув кенгаши муҳокамасига тақдим этади.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қўйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- йиғилиш кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартибини;

Умумий йиғилишнинг кун тартибини. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

4.6. Жамият акционерга хабарномани ўзи ёки мутаносиб хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган ўзаро шартнома асосида қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали амалга ошириши мумкин.

4.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби;

4.8. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) ўз ичига жамиятнинг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини, Кузатув кенгашининг бошқарув раиси билан тузилган шартнома муддатининг узайтирилиш, қайта тузилиши ёки тугатилиши тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамият Кузатув кенгашига номзодлар тўғрисидаги маълумотларни, жамият Уставига киритилиши кўзда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси. ёки жамият Уставининг янги таҳрири лойиҳасини, шунингдек кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар борасидаги позицияси юзасидан зарур маълумотларни олиши керак.

4.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.10. Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган

шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

4.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига (ушбу Низомнинг 5-иловасига асосан) масалалар киритишга ҳамда жамият қузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

4.12. Акциядорлар (акциядор) жамият қузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.13. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.14. Жамиятнинг Қузатув кенгашига номзодларни, шу жумладан, ўзини ўзи тавсия қилиш тўғрисидаги таклифларни кирийтишда, номзоднинг исми; унга тегишли акциялар сони ва тури (агар у жамият акциядори бўлса), шунингдек уни тавсия қилаётган акциядорларнинг номи (номланиши) ва уларга тегишли акциялар сони ва тури кўрсатилиши керак.

4.15. Келиб тушган таклифларнинг умумий йиғилиш кун тартибига киритилиши ёки рад этилиши тўғрисидаги қарор Қузатув кенгаши томонидан мазкур Низомнинг 4.11, 4.12 - бандларида кўрсатилган муддатлардан 10 кундан кечиктирмаган ҳолда қабул қилиниши шарт.

4.16. Акциядор (акциядорлар) томонидан умумий йиғилиш кун тартибига киритилиш учун таклиф қилинган масалалар кун тартибига киритилиши, Қузатув кенгашига тавсия қилинган номзодлар умумий йиғилишда овозга қўйилиши шарт, бироқ қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- акциядор (акциядорлар) мазкур низомнинг 4.11-бандида кўрсатилган муддатга риоя қилмаган бўлса;
- акциядор (акциядорлар) мазкур низомнинг 4.11-бандида кўрсатилган овоз берувчи акцияларга эгалик қилмаса;
- жамият сайланиш органларига номзодлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар амалдаги Қонун талабларига мос келмаса.

4.17. Қузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига таклиф этилган масалани киритиш ёки киритмаслик, ёки Қузатув кенгаши таркибига киритилишга овоз бериш учун тавсия этилган номзодни номзодлар рўйхатига киритиш ёки киритмаслик тўғрисидаги асосланган қарори, масала киритган ёки номзод тавсия қилган акциядор (акциядорлар)га, таклиф ёки тавсия қабул қилинганидан сўнг уч иш кундан кечиктирмай етказилиши керак.

4.18. Жамият қузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият қузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИВИЛИШЕНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК.

5.1. Навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг қарори билан қуйидагиларга асосан ўтказилади:

- унинг шахсий ташаббуси;
- ёзма талабнома тақдим қилиниши санасига жамиятнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талабномаси (№ 6 иловага мувофиқ равишда).

5.2. Навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги талабномада йиғилиш кун тартибида кўрилиши кўзда тутилган масалалар ва уларни кун тартибига киритилиши учун асослар акс эттирилган бўлиши керак. Навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабномада Кузатув кенгаши фаолиятини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи қўйилган тақдирда, амалдаги Кузатув кенгаши ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи билан бирга Кузатув кенгашининг янги таркибини тайинлаш масаласи ҳам киритилиши керак.

5.3. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг наватдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг наватдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.4. Кузатув кенгаши беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акциялар эгаси бўлмиш акциядор (акциядорлар) талаби билан чақириладиган наватдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилиши кўзда тутилган масалалар матнига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

5.5. Акциядорларнинг наватдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қиладиган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақириш талабномаси, наватдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қиладиган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамиятнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) томонидан наватдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш талабномаси келиб тушгани кундан сўнг, 10 кундан кечикмаган ҳолда Кузатув кенгаши томонидан наватдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ёки чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши керак.

5.8. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг наватдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг наватдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қиладиган акциядор (акциядорлар) ушбу банднинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- кун тартибига киритиш учун тақлиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун тақлиф этилган масала амалдаги Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилиши керак.

5.10. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Жамият кузатув кенгаши ушбу Низомнинг 5.7 - бандида белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш, ушбу Низомда белгиланган тартибда жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, ёки Қонунда белгиланган ҳолларда умумий йиғилишни чақирувчи шахслар томонидан амалга оширилади.

VI. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

6.1. Акциядорлар умумий йиғилиши, иштирокчиларни рўйхатга олиш тугаган вақтда, жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг умумий ҳисобда 50 фоизидан ортиғига эгалик қилувчи акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлсалар, умумий йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

6.2. Агар ўрнатилган вақтдан 60 дақиқадан ортиқ вақт ўтганида, кворум йиғилмаган бўлса, янги акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиш вақти эълон қилинади. Қайтадан чақириладиган умумий йиғилишда олдинги кун тартибига ўзгартириш киритишга руҳсат берилмайди. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Низомнинг 4.5-бандида назарда тутилган шаклда амалга оширилади.

6.3. Ўтказилмаган акциядорлар умумий йиғилиши ўрнига чақирилган янги акциядорлар умумий йиғилиши, унга ташриф буюрган акциядорларни (уларнинг вакиллари) рўйхатга олиш тугаган вақтда рўйхатдан умумий ҳисобда қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга акциядорлар (уларнинг вакиллари) ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

6.4. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Умумий йиғилишнинг ишчи органларига – раёсат, санок комиссияси, котиб (котибият) киради.

7.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг раёсати, санок комиссияси котиб (котибият) акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Акциядорлар умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси олиб боради, кузатув кенгаши раиси узрли сабаблар бўйича йиғилишда иштирок этолмаса, кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишини раиси йиғилиш раёсатини бошқаради, йиғилишнинг олиб борилишини таъминлайди ва ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажариш учун керакли барча ваколатларга эгалик қилади.

7.4. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилишни аудио-видео ёзувини олиб борилишига ва интернет тармоғида (трансляциясига) намойиш этилишига розилик бериш ҳуқуқига эга. Бунда жамият акциядори (ёки акциядорлари)нинг, узрли сабабларга кўра йиғилишда қатнаша олмаётган бўлса, умумий йиғилишни аудио-видео ёзувини олиб бориш ва уларга юбориш тўғрисидаги мурожаати инобатга олинishi керак.

7.5. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш бориши жараёнини бошқаради, умумий йиғилиш ишчи органларининг ишини мувофиқлаштиради, масалаларнинг муҳокама қилиниш тартибини белгилайди, сўзга чиқувчиларнинг сўзга чиқиш вақтини чегаралайди, овоз бериш ва йиғилишни олиб бориш тартиби тўғрисида тушунтириш беради, залда тартиб сақланишини мувофиқлаштиради.

7.6. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баённомасини имзолайди.

7.7. Овозларни ҳисоблаб чиқиш, акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорларни рўйхатга олиш ҳамда овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси ташкил этилиб, унинг сон ва шахсий таркиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.8. Санок комиссияси функцияларини бажариш учун ҳолис экспертлар жалб қилинганда, санок комиссияси ваколатлари уларга юкланади.

7.9. Санок комиссияси таркибида уч кишидан кам иштирокчи бўлиши мумкин эмас. Ҳисоб комиссияси таркибига Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, шунингдек, бу вазифаларга номзодлиги қўйилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

7.10. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш жараёни “бир овоз берувчи акция – бир овоз” тамойили асосида амалга оширилади. Жамият Кузатув кенгашига аъзоларни сайлаш борасидаги кумулятив овоз бериш жараёни бундан мустасно.

7.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

7.12. Овоз бериш жараёнида, овоз берувчилар томонидан овоз бериш учун факат битта вариант имкони қолдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур банднинг биринчи қисмида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.13. Овоз бериш якунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган умумий йиғилишининг қворуми мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

7.14. Санок комиссияси, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилган тақдирда, ушбу йиғилиш ёзиб олинган электрон ташувчи ва электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда) тақдим этилган бюллетень сақланишини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади.

7.15. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин акциядорларнинг қоғоздаги ёки электрон ҳисмдаги овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ва жамият архивига сақлаш учун топширилади.

7.16. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказишга тайёргарлик жараёнида санок комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- а) жамият реестри асосида акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;
- б) берилган (йўналтирилган) бюллетенларнинг ҳисобини юритади;
- с) акциядорлар (уларнинг вакилларини) умумий йиғилишда иштирок этишлари учун рўйхатга олади;
- д) акциядорлар умумий йиғилишига акциядор эмас, йиғилиш раиси томонидан таклиф этилмаган ва кун тартибидаги масалалар бўйича ҳисоб бериш, тушунтириш бериш учун таклиф этилганлардан ташқари шахслар қатнашмасигини таъминлайди;
- е) ишончномалар ва улар орқали берилаётган ҳуқуқларнинг ҳисобини олиб боради;
- ф) овоз бериш бюллетенлари ва умумий йиғилишнинг бошқа маълумотларини (материалларини) беради;
- г) умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар умумий йиғилиш кун тартиби бўйича зарурий маълумотларни акциядорларга етказиш;
- ҳ) акциядорлар умумий йиғилишининг қворуми мавжудлигини аниқлайди;
- и) умумий йиғилишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ саволлар бўйича тушунтириш беради;
- й) овозга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартибини тушунтиради;
- к) овоз беришнинг ўрнатилган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;
- л) овозларни ҳисоблаб, овоз бериш натижаларини чиқаради;
- м) овоз бериш натижалари бўйича баённома тузади;
- н) умумий йиғилиш жараёнининг электрон ташувчида ёзуви ташкил этилганда, ушбу ёзувни ва электрон почта орқали овоз берилганда (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), тақдим этилган бюллетень сақланишини таъминлайди;
- о) овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

7.17. Умумий йиғилиш қотибиятининг сон ва шахсий таркиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Умумий йиғилиш қотиби сифатида жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси сайланиши мумкин.

7.18. Умумий йиғилиш қотибияти:

- умумий йиғилиш боришини баёнлаштиради;
- ёзма мурожаатномаларга кўра йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар муҳокамасида иштирок этмокчи бўлган шахсларни рўйхатга олади;
- умумий йиғилиш баённомасини тузади.

VIII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

8.1. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби мазкур Низомга мувофиқ ҳар бир йиғилишда тасдиқланади.

8.2. Кузатув кенгашини раиси умумий йиғилишнинг санок комиссияси, раёсати ва котиби (котибият)ни тайинлаш таклифни беради.

8.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиш ва тахминий тугаш вақтини, сўзга чиқиш ва танаффуслар давомийлиги, кун тартибидаги масалалар кетма-кетлиги, кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқувчиларнинг фамилия ва лавозимларини, видеоконференц алоқа орқали йиғилишда қатнашувчи акционерларнинг сўзга чиқиш имкониятини, овоз беришни амалга ошириш ва натижаларни эълон қилиш тартибини кўзда тутди.

8.4. Йиғилиш давомида келиб чиқадиган саволларни йиғилиш раиси шахсан ўзи ҳал қилади, бунда қўйидаги асосий тамойилга таянади: акциядорлар йиғилишида муҳокама қилинаётган масала бўйича ҳар бир иштирокчи унга ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

8.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ижроия органи. кузатув кенгашии аъзоларига компенсация ва рағбатлантиришлар миқдори тўғрисидаги, таклиф этилаётган соф фойда тақсимотининг, тўланадиган дивидендлар миқдорининг, уларнинг акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинган дивиденд сиёсатида мувофиқлигининг баҳоланиши (шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини акциядорлик жамиятини ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш бўйича тушунтириш ва бунинг иктисодий асослари) борасидаги ахборотлар ошкора этилади (эълон қилинади).

8.6. Кун тартибидаги масала муҳокамасида иштирок этишни хоҳловчилар котибга (котибиятга) муҳокама қилиниши керак бўлган масалани кўрсатган ҳолда ёзма мурожаат билан чиқади, ёки видеоконференц алоқа орқали иштирок этувчилар оғзаки мурожаат орқали сўзга чиқиш имкониятидан фойдаланади.

8.7. Кун тартибидаги ҳамма масалалар кўрилиб, уларга доир қарорлар қабул қилиниб бўлганидан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

8.8. Акциядорлик жамияти умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконияти берилади.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

9.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи акциядорларга тегишли овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этаётган акциядорларга тегишли овозларнинг умумий сони;

- йиғилиш раиси (раёсати) ва котиби (котибият), йиғилиш кун тартиби;
- чиқишларнинг асосий матни, овозга қўйилган масалалар, овоз бериш натижалари ва умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар.
- умумий йиғилиш видеоконференц алоқа орқали ўтказилганда, умумий йиғилишнинг аудио-видео ёзуви олиб борилган ва интернет тармоғида намойиш (трансляция) этилган тақдирда бу ҳақдаги ахборот кўрсатилади.

9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ҳар икки баённомаси умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

9.4. Санок комиссиясининг баённомалари йиғилишнинг алоҳида қарори билан тасдиқланмайди, лекин маълумот учун ҳисобга олиниб, умумий йиғилиш баённомасига тикилади.

9.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан сўнг, санок комиссияси қўйидаги йиғилиш ҳужжатларини архивга сақлаш учун топширади:

- а) умумий йиғилиш қатнашувчилар рўйхати,
- б) муҳрланган овоз бериш бюллетенлари, шунингдек электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда) тақдим этилган бюллетенлар,
- с) санок комиссияси томонидан имзоланган овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомалар,
- д) акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси,
- е) умумий йиғилиш видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилган тақдирда, мажбурий тартибда ушбу йиғилиш ёзиб олинган электрон ташувчи киради.

Х. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари жамият акциядорларига қўйидаги тартибда маълум қилинади:

- умумий йиғилиш якунлангач, ўқиб эшиттириш;
- муҳим факт сифатида, ушбу муҳим факт содир бўлгандан кейин икки иш кун ичида ахборотни ошкор этиш;
- акциядор мурожаати асосида унга алоҳида почта ёки электрон почта орқали тақдим этиш.

10.2. Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировка ваараи на киритилган бўлса, жамият фонд биржасини расмий веб-сайтида ҳам белгиланган ахборотларни чоп этиши зарур.

10.3. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиш жараёни устидан назорат, бошқа органлар қарорда келтирилмаган ва йиғилиш баённомасида айтиб ўтилмаган бўлса, Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари барча иштирок этган ва этмаган акциядорлар учун, кузатув кенгаши, ички назорат органлари, бошқарув органи учун, уларга тегишли қисмида, бажарилиши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга
1-ИЛОВА

_____ акциядорлик жамияти акциядорларининг _____ йил _____ да
ўтказиладиган йиллик (навбатдан ташқари) Умумий йиғилишининг

Қайд қилиш рўйхати

Т/р	Акциядор фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	(вакил бор бўлса тўлдирилади)				
				Вакил фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Ишончнома раъами	Ишончнома берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакил имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Умумий йиғилишнинг барча рўйхатдан ўтказилган Патнашчилари киши____, овоз берувчи акциялари сони _____.

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда) _____%.

Саноқ комиссияси аъзолари: _____ Ф.И.О.

(имзо)

_____ Ф.И.О.

(имзо)

_____ Ф.И.О.

(имзо)

Акциядорларнинг
умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

_____ йил «__» _____ да, _____ манзили бўйича
ўтказиладиган акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида овоз
бериш учун _____ акциядорлик
жамиятининг _____ та овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорининг
_____ -сон* БЮЛЛЕТЕНИ

Йиғилиш ўтказилиши вақти __: __ с.

Овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «тарафдор», «қаршн» ёки «бетараф деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантларидан фақат бир вариант танланиши лозим, бунда кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш борасидаги масала бўйича кумулятив овоз бериш мустасно.

№	Кун тартибидаги масала	Тарафдор	Қарши	Бетараф
1.				
2.				
3.				

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш борасидаги масала бўйича овозлар сони (кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади) _____. Бунда сиз шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлисиз.

№	Кун тартибидаги масала		Тарафдор кенгаши аъзолигига номзод учун берилган овозлар сони)
	Кузатув кенгаши аъзолигига номзоднинг Ф.И.О.	Кузатув кенгаши аъзолигига номзод тўғрисида маълумот	

Ф.И.О. _____
(имзо)

Овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозим.

* Қайд этиш рўйхати бўйича акциядорнинг рақами кўрсатилади.

Акциядорларнинг
умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга
3-ИЛОВА

БИЛДИРИШНОМА

Ҳурматли _____
манзилида жойлашган _____ АЖ Сизга
202__ йил _____ соат _____ минутда акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик(навбатдан ташқари) умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.
Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 202__ йил _____ даги ҳолатида шакллантирилган акциядорлар реестрига кўра тузилади.
Акциядорлар умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш соат _____ минутда бошланади ва соат _____ минутгача давом этади.

Акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилиши Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

- 1.
- 2.
- 3.
- ...

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг қуйидаги материаллари билан танишинишнинг мумкин:

- 1.
- 2.
- 3.
- ...

Ёнингизда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиши, акциядорнинг вакили эса акциядор жисмоний шахс бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома

бўлиши, акциядор юридик шахс бўлса, унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома бўлиши зарур.

«Мубарекнефтегазмонтаж» АЖ Кузатувчи кенгаши.

Акциядорларнинг
умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга
4-ИЛОВА

ИШОНЧНОМА (жисмоний шахс акционеруч номидан)

Мен, _____
акциядорлик жамиятининг _____ та оддий акцияларига эгаллик қилувчи
_____ менга тегишли барча акциялар билан овоз
беришда акциядорлар йиғилишида менинг манфаатларимни ифодалаш учун
_____ га ишонч билдираман.

Менинг манзилим:

Вакилнинг манзили:

Паспорт

серияси № _____

берилган _____

Паспорт

серияси № _____

берилган _____

Ишончнома 202__ йил _____ дан 202__ йил гача ҳақиқийдир.

Акциядорнинг имзоси _____

Сана _____

Акциядорнинг шахсий имзосини тасдиқлайман.

Нотариус _____

Имзо _____

Сана _____

М. Ў.

ИШОНЧНОМА (юридик шахс номидан)

Мен, _____

(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ нинг раҳбари

(юридик шахснинг номи)

“ _____ ” АЖ акциядори бўлиб, ташкилот

_____ дона оддий акцияга эгалик қилиши ва акциядор ҳуқуқидан фойдаланиб,

_____ га

(вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ нинг

(юридик шахс номи)

манфаатларини, акциядорлар умумий йиғилишида ифода этиб, ташкилотга тегишли бўлган барча акциялар билан овоз бериш ваколатини ишониб топшираман.

Акциядор манзили:

Банк маълумотлари:

Вакилнинг манзили:

Паспорт серияси ____ № ____

Ишончнома _____ 201 ____ дан _____ 201 ____ гача амал қилади.

Раҳбар имзоси _____
М.Ў.

Сана _____

Акциядорларнинг
умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга
5-ИЛОВА

Акциядор _____ нинг “ _____ ”
акциядорлик жамияти акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига
масалани киритиш тўғрисидаги

ТАКЛИФИ.

Жами акцияларим сони _____
шу жумладан:
овоз берувчи акциялар сони _____ та,
устав фондига нисбатан _____ % да.

Талабнинг мазмуни (таклиф)

Жамият кузатув кенгаши таркибига номзодлар (Ф.И.О., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони турлари кўрсатилган ҳолда)

Жамият ижро органи таркибига номзодлар (Ф.И.О., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони турлари кўрсатилган ҳолда)

Ф.И.О. _____

(сана,имзо)

Акциядорларнинг
умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга
6-ИЛОВА

акциядорлик жамияти акциядори _____ нинг
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги

ТАЛАБИ

Жами акциялар сони _____

Шу жумладан овоз берувчи акциялар сони _____ та
устав фондига нисбатан _____ % да

Талабнинг мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилишининг
сабаби)

Кун тартибига киритилиши сўралаётган масала матни (киритиш сабаби кўрсатилган
ҳолда)

Жамият кузатув кенгаши таркибига номзодлар (Ф.И.О., иш жойи, лавозими, номзодга
тегишли АЖ акциялари сони турлари кўрсатилган ҳолда)

Ф.И.О. _____

Имзо _____

Сана _____

Акциядорларнинг
умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга
7-ИЛОВА

Кузатувчи кенгаш ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш учун
акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини
ўтказишни ташкил этиш

ТАРТИБИ

1. Мазкур Тартиб акциядорлик жамиятини бошқаришда катнашиш, акциядорлик жамиятининг жорий ваколатини унча яхши билмай ва ноҳалол бошқариш натижаси билан акциядорларнинг манфаатларига зарар етказмаслик, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда акциядорларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Кузатувчи кенгаш фаолиятини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш учун қуйидагилар асос бўлади:

Кузатувчи кенгаш қарори;

жамият ички аудит хизмати ёки аудиторнинг талаби;

талаб қўйилаётган санада жамиятнинг камида 5 фоиз овоз берувчи акцияси эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар)нинг талаби.

3. Навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик ишбу Низомнинг V-бандида кўрсатиб ўтилган тартибда амалга оширилади.

4. Кузатув кенгашининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш борасида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб қўйилишига олиб келувчи сабаблар қўйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Уставга, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;

- жамиятга зарар келтирганлик, акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларига зиён етказиш, шу жумладан ишлаб чиқариш молия-хўжалик фаолиятининг жиддий ёмонлашуви, фойда ва рентабелликнинг пасайиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг асоссиз равишда камайиб кетиши билан боғлиқ зиён етказилиши;

- жамиятнинг иқтисодий ноқорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи, давлат бюджети, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги барқарор қарздорлик пайда бўлиши.

5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб Кузатувчи кенгашга берилади. Талабда навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришнинг аниқ сабаблари ҳамда уларнинг асослилиги кўрсатилган ҳолдаги йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар бўлиши лозим. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабномада Кузатувчи кенгаш ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масаладан ташқари кун тартибда Кузатувчи кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш тўғрисидаги алоҳида таклиф бўлиши керак.

6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома акциядор (акциядорлар)дан тушган ҳолларда, унда унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган ҳолда, йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) бўлиши керак.

7. Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши, жамият ички аудит хизмати ёки талаб қўйилаётган санада жамиятнинг камида 5 фоиз овоз берувчи акцияси эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан чақирилаётган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибдаги масалалар ифодаланишига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

8. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома уни чақиришни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

9. Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талабнома тақдим этилган пайтдан бошлаб, кечи билан 10 кун давомида навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида асосли жавоб беришга мажбурдир.

10. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги Кузатувчи кенгаш қарори ёки асосли равишдаги рад жавоби тўғрисидаги қарор, у олинган пайтдан бошлаб, кечи билан уч кунда уни чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

11. Кузатувчи кенгашнинг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

12. Агар белгиланган муддатлар давомида Кузатувчи кенгаш томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинмаган ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши, уни чақиришни талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

“Муборакнефтвазмонтаж” АЖ акциядорларининг
2022 йил “8” октябрдаги 5-сонли умумий
йиғилиши баённомасига 5-илова



**“Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг
Акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомига
киритиладиган ўзгаришлар**

Т/р	Амалдаги таҳрирда	Янги таҳрирда
1	3.6. Кузатув кенгаши, жамият бошқаруви аъзолари лавозимларига номзоди қўйилган шахслар ўз номзодлари бўйича масала муҳокамасига иштирок этишлари мумкин.	3.6. Кузатув кенгаши, жамият Бош директори лавозимларига номзоди қўйилган шахслар ўз номзодлари бўйича масала муҳокамасига иштирок этишлари мумкин.

Приложение № 5
к протоколу общего собрания акционеров
АО «Мубарекнефтегазмонтаж»
от «8» октября 2022 г. протокол № 3

**ВНОСИМЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ
в «Положение об общем собрании акционеров
акционерного общества «Мубарекнефтегазмонтаж»»**

№	В старой редакции	В новой редакции
1	3.6. Кандидаты в члены наблюдательного совета и на должности членов и руководителя исполнительного органа общества могут присутствовать на общем собрании акционеров при рассмотрении своих кандидатур.	3.6. Кандидаты в члены наблюдательного совета и на должность Генерального директора акционерного общества могут присутствовать на общем собрании акционеров при рассмотрении своих кандидатур.